

ЖУРНАЛ СЕВИМЛИ НАШРЛАРИМИЗДАН БИРИГА АЙЛАНИШИГА ИШОНАМАН

Ҳилола УМАРОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси раҳбарининг таълимни ислоҳ
қилиш бўйича ўринбосари



Биз бугун шиддат билан ўзгариб ва янгиланиб бораётган бир даврда яшайпмиз. Бундай шароитда, айниқса, замонавий ахборот технологиялари ривожини ҳаётимиз ва турмуш тарзимизга таъсирини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ҳар қандай янгилик ва ўзгаришларнинг, албатта, кўплаб ижобий жиҳатлари билан бирга салбий таъсирлари ҳам бўлиши шубҳасиз. Бу эса, ўз навбатида, миллий анъана ва кадриятларимиз, айниқса, ёшлар

тарбиясига жиддий эътибор қаратишни тақазо этади.

Аждодларимиз тарбия масаласига азалдан инсоният маданий ва маънавий юксалишининг асосий воситаларидан бири сифатида қараган, унинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролига юқори баҳо берган. Дарҳақиқат, илм тарбиясиз, тарбия эса илмсиз тўкис бўла олмайди. Абу Райҳон Беруний “Илм ва тарбия бир-биридан ажралмасдир; уларсиз инсоният юксалиш қила олмайди.”, деб айтган бўлса, яна бир буюк аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб



“Тарбия орқали
инсоннинг феъл-атвори
шаклланади, таълим
орқали эса унинг билими
кенгаяди.”

Юсуф Хос Ҳожиб

“Тарбия орқали инсоннинг феъл-атвори шаклланади, таълим орқали эса унинг билими кенгаяди.”, деб таъкидлаган. Саъдий Шерозий эса *инсоннинг энг яхши зийнати – илм ва яхши тарбиядир*, деб айтади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги ҳақида тўхталиб, “Шарқона қарашларимизда таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу эса бугунги кун ўқитувчисидан катта масъулиятни талаб қилади”, деб таъкидлаган эди. Президентимиз айна шу мақсадда 2024 йил 21 июнда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти негизида буткул янгича асосда “Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

Президент қарорида миллий институт зиммасига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар тарбияси

соҳасида қўлланиладиган илмий-методик таъминотни амалга ошириш, буюк алломаларимиз, хусусан, жадидларнинг мазкур йўналишдаги қарашларини илмий тадқиқ этиш ва ана шу асосда замонавий методикаларни ишлаб чиқиш, ўқувчилар тарбиясида маҳалла ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борада ота-она ва ўқитувчилар учун ўқув ва оммабоп адабиётлар яратишни тизимли йўлга қўйиш каби бир қатор муҳим мақсад ва вазифалар юклатилди. Институт янги тарбия методикаларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи давлат муассасаси ҳисобланади ҳамда тарбия соҳасини такомиллаштиришга оид илмий асослантирилган истиқболли таклифлар ишлаб чиқади. Бунда



асосий эътибор тарбия соҳасидаги мавжуд муаммоларга қаратилади.

Институт етакчи хорижий университет ва илмий марказлар билан янги ва замонавий тарбия методикаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик ўрнатади. Улар билан биргаликда қўшма тадқиқотлар олиб боради. Қарорда институт илмий ходимларини Япония, Россия Федерацияси, Жанубий Корея, Финляндия каби таълим соҳаси ривожланган бир қанча давлатларга бориб тажриба алмашиш, мамлакатимизга хорижий экспертларни жалб этиш, ўзаро илмий анжуманларда қатнашиш, маърузалар билан иштирок этиш каби мақсад ва вазифалар белгиланган.

Президент қарорида, шунингдек, институт ҳузурида “Тарбия методикалари” илмий-оммабop журналинини ташкил этиш вазифаси ҳам юклатилган эди. Бугун сизнинг қўлингизга ана шу журналнинг илк сони етиб бормоқда. Бу, албатта, биз педагоглар учун қувончли воқеа. Журналнинг мазмунли

ва мунтазам чиқиши фақат унинг жамоаси эмас, балки ҳаммамизнинг фидойилигимиз, саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ.

“Тарбия методикалари” журнали келажакда институт ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг фаол тарғиботчисига айланишига, тарбия педагогикаси билан боғлиқ муаммо ва масалаларни кенг ёритишга, таълим ва тарбия жараёнига янги методикаларни жорий қилишда ҳисса қўшишига, ўз ўқувчиларини топиши, аудиторияси янада кенгайиши, сеvimли нашрларимиздан бирига айланишига ишонаман ва умид қиламан. Журнал жамоаси фаолиятига муваффақият тилайман.

“Шарқона қарашларимизда таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу эса бугунги кун ўқитувчисидан катта масъулиятни талаб қилади”